

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2023 ЙИЛДА АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ.**

*Тайёрлади: Чилонзор туман 2-сон касб-хунар мактаби “Maxsus
фенлар” кафедраси ўқитувчиси: Дилфузада Хайдарова*

Ўзбекистон Республикасида ўтган яъни 2023 йилнинг биринчи олти ойида тармоқларда 3,6 млрд доллар инвестициялар ўзлаштирилди. Андижон шаҳри, Булоқбоши, Ромитан, Ғаллаорол, Фориш, Кармана, Давлатобод, Чуст, Каттақўрғон, Сирдарё туманларига 50 млн доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди. Бунинг ҳисобига мазкур туманларда жами 50 мингта янги иш ўрни ва қўшимча 1 трлн сўмлик тушум манбалари яратилди. Аммо айрим ҳудудлар ва тармоқларда бу қўрсаткич анча паст, инвестиция муҳити қониқарсиз ҳолатда эди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 1,5 минг инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, 12 млрд доллардан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича қўшимча вазифалар топширилиб, ҳар бир тармоқ ва ҳудудда инвестицияларни жалб этиш ва лойиҳаларни амалга оширишнинг аниқ алгоритмлари белгилаб берилган эди. Тармоқларда 230 та лойиҳа доирасида 4,4 млрд доллар, ҳудудларда 1 минг 200 та лойиҳа доирасида 4,6 млрд доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириш зарурлиги қўрсатилиб бунда лойиҳалар 3 та тоифага ажратилиб, улар билан манзилли ишланди. Йирик лойиҳаларга вилоят ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари, ўрта лойиҳаларга туман ҳокими, кичик лойиҳаларга туман ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари масъул бўлди. Бу тизимни самарали йўлга қўйиш ҳамда масалаларни жойида ҳал этиш учун ҳар бир ҳудудга мутасаддилар бириктирилиб турли хил лойилар амалга оширилди.

Бундан ташқари хорижий ҳамкор мамлакатлар билан инвестициявий шериклик натижаларини ҳам кўриб чиқсан, эндиликда хорижий келишувлар доирасидаги инвесторлар билан ишлаш бўйича янги тизим жорий этилиб, унга кўра, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигига “инвестиция менежери”

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

лавозими ташкил этилди ва бевосита вазирга бўйсуниши белгилаб қўйилди.

Хозирда эса улар хорижий инвесторлар билан доимий алоқада бўлиб, зарур масалаларни ҳал қилиб боради. Шу тизим асосида ишлаб, ўтган йилнинг ўзида қўшимча 3 млрд долларга яқин инвестиция жалб қилинди худди 2023 йил бошида прогноз қилинганидек. Шунингдек, 2023 йил натижалариға қарайдиган бўлсак аксарият вилоят, туман ва шаҳарларда шакллантирилган инвестиция лойиҳалари асл имкониятларга мос эмаслиги кўрсатиб ўтилиб, хусусан, сўнгги икки ойда саноати паст ривожланган 60 та туманга консалтинг компаниялари жалб қилиниб, 6,5 млрд долларлик 2 мингдан зиёд истиқболли лойиҳа топилган. Бу – ҳар бир туманга ўртача 110 млн доллар инвестиция, юзлаб иш ўрни, дегани. Шуни ҳисобга олган ҳолда, консалтинг компаниялари билан бирга, барча туман ва шаҳарларда “изланиш – ишлаб чиқиш – амалга ошириш” тамойили асосида янги лойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилган. Уларни хорижий инвесторларга тақдимот қилиш учун 2023 йил яқунига қадар ҳар бир вилоятда худудий инвестиция форуми ўтказилиб борилди.

Яна бир 2023 йил якунидаги инвестиция соҳасидаги катта янгиликлардан бири, хукumat комиссияси томонидан иқтисодиётга катта туртки берадиган 97 та йирик саноат лойиҳаси тайёрланиб, улар орқали 6,7 млрд доллар ўзлаштирилиб, 3 млрд долларлик маҳсулот ишлаб чиқириш, 27 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконияти мавжуд бўлди. 2023 йил бошида давлат раҳбаримиз томонидан хукumat комиссиясига ушбу лойиҳаларни тезроқ ишга тушириш, хорижий кредитлардан самарали фойдаланиш бўйича топшириқлар берилган эди.

Ҳеч кимга сир эмаски, хорижий инвестор томонидан ҳар қандай мамлакатда капитални жойлаштириш ривожланаётган мамлакатларда муайян даражада устун бўлган мамлакат хавфига жуда боғлиқ. Шунинг учун хорижий инвесторларга ушбу таваккалчилик ёки ноаниқлик даражасини билиш жуда муҳим. Чунки уни амалга оширишнинг ҳар қандай босқичида инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш учун маълум

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

воситаларни қайта ишлаш мумкин. Ҳатто Норвегия, Буюк Британия ва Дания каби ривожланган давлатлар ҳам мамлакат хавфининг паст даражасига қарамай, миллий ёки тармоқ даражасидаги йирик сармоявий лойиҳаларни баҳолашнинг ўз механизмларига эга.

Ўзбекистонда бундай механизмни тўлақонли жорий этиш, шу жумладан, юқорида қайд этилган хорижий инвестор позициясидан, бошқа томондан, лойиҳани амалга ошириш учун масъул бўлган мутасадди идораларга, республикага лойиҳаларни амалга оширишнинг муддатлари, ҳажмлари, хатарлари ва бошқа жиҳатлари бўйича хорижий инвестицияларни ҳар томонлама амалга ошириш механизмини тушуниш икки томонлама фойда келтириши мумкин.

Умуман олганда, юқорида келтирилган лойиҳанинг исталган вақтда тегишли мақсадлар ва натижаларга нисбатан қандай босқичда бўлишини билиб олади ва натижада юзага келадиган муаммолар ҳакида сигнал беради. Бундан ташқари, янги механизм "Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида нима содир бўлди?", яъни қутилган натижаларга эришилганми деган саволга жавоб беради. Лойиҳаларни амалга оширишнинг турли босқичларида самарали баҳолаш ҳамкорлик ва маҳаллий ҳамжамиятга катта фойда келтиради. Батафсил баҳолаш лойиҳа харажатларини оқлайди ва қарор қабул қилишда муҳим восита ҳисобланади. Бундай мониторинг механизмини жорий этиш, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг шаффоғлиги, самарадорлиги ва барқарорлигини янада кучайтириш орқали Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилайди.